


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*5230700 – Банк иши*  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент молия институти.
- Акциядорлик тижорат Халқ банки.
- Акциядорлик тижорат банк Микрокредитбанк.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2017 йил «18» август даги 21 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <b>5230700 - Банк иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи</b> .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2. <b>5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи</b> .....	4
2. <b>5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар</b> .....	5
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	5
2.2. <b>5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</b> .....	6
3. <b>5230700 – Банк иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</b> .....	7
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	7
3.2. <b>5230700 – Банк иши бакалавриат таълим йўналиши малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар</b> .....	9
3.3. <b>5230700 – Банк иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</b> .....	11

## 1. 5230700 - Банк иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи

5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастури ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

### 1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича таълим-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5230700 - Банк иши бакалавриат таълим йўналиши – иқтисод соҳасидаги йўналиш бўлиб, тижорат банклари фаолиятининг барча йўналишлари, иқтисодий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари, фаолият тамойиллари, ликвидлилиги, барқарорлиги ва тўлов қобиллиятини таъминлаш усулларини қамраб олади.

1.2.2. 5230700 - Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тегишли вазирлик ва идоралар, тижорат банклари, нобанк кредит ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, инвестиция, суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, акциядорлик жамиятлари, давлат ҳокимияти органлари, бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, биржалар, қўшма корхоналар, молия-банк соҳасига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, молия-кредит бозорларида фаолият юритувчи муассасалар ҳисобланади.

**5230700 - Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- банклар фаолиятини ташкил этиш;
- банклар фаолияти жараёнларини таҳлил этиш;
- банклар фаолиятини ривожлантириш тамойилларини татбиқ этиш;
- банклар фаолиятини самарали бошқариш механизмларини жорий этиш;
- банклар фаолиятини ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш;
- банклар фаолиятини режалаштириш, унинг назорати ва аудитини ташкил этиш ;
- банклар фаолияти самарадорлигини аниқлаш, хулосалар чиқариш ва унга баҳо бериш.

**1.2.3. 5230700 - Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида).

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5230700 - Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:**

- *иқтисодиёт соҳасларини қамраб олувчи* магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

**2. 5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

• гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

• дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;

• табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар, уларнинг ривожланиши ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши ва билимларни эгаллаши ҳамда улардан ҳаётда ва ўз касбий фаолиятида фойдалана олиши;

• ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш усулларини эгаллаши, ўз касбий фаолиятида қарорларни мустақил қабул қила олиши;

• янги билимларни мустақил эгаллаши ва ривожлантириши, ўз фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

• соғлом турмуш тарзига амал қилиш тассавури ҳамда эътиқодига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

• таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган касб ва лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида қўшимча касб таълимини олиш учун тайёрланади.

**2.2. 5230700 - Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- банк фаолияти ва у билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини билиши ва улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;

- банк фаолиятида бизнес-режаларни кўриб чиқиш ва лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

- молия бозорида воситачилик қилиш;

- банк миждозларининг тўлов қобилиятини баҳолаш усулларини билиш ва қўллаш;

- банк соҳасини ривожлантириш йўналишларини тадқиқ этиш;

- банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

#### **Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- банк соҳасидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;

- банкнинг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш;

- банк фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари ва норматив талаблар асосида таҳлил қилиш;

- банк фаолияти кўрсаткичлари динамикаси ва уларнинг ўзгариш анъаналарини таҳлил қилиш;

- банк фаолиятига доир молиявий ва статистик ҳисоботларини тузиш ҳамда уларни таҳлил қилиш;

- банк хизматларини кўрсатишда дастурий комплекслар ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- корпоратив бошқарувнинг тартиб ва тамойилларини билиш;

- банк тизимида доир қонунчиликка мувофиқ бошқарув тамойилларини билиш;

- банк фаолиятини ташкил қилиш ва самарали бошқариш;

- банкларни бошқариш стратегиясини билиш ва амалиётда қўллаш олиш;

- банк фаолияти муаммоларини аниқлаш ва ечимларини амалиётга татбиқ этиш;

- функционал фаолияти бўйича иш режасини тузиш, унинг ижроси мониторингини юритиш ва натижаларини баҳолаш;

- банк соҳаси фаолиятининг халқаро ҳамда миллий стандартларга мослигини аниқлаш қобилиятларига эга бўлиши керак.

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда банк соҳасининг ривожланиш кўрсаткичларига баҳо бериш, соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишлари моҳиятини тушуниш ҳамда аниқланган муаммолар ечимини ишлаб чиқиш;

- илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда соҳа хусусиятларидан келиб чиқиб, ноанъанавий услубларни қўллаш олиш;

- тадқиқот мавзуси доирасида илмий-амалий маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва уларни тизимлаштириш;

- илмий-тадқиқот натижалари ва янгиликларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан асосланган таклифлар лойиҳасини ишлаб чиқиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):**

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан назарий- амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув жараёнини ташкил этишга кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок қилиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик таъминотни шакллантириш, тузиш ва уларни тадбиқ этиш;

- мустақил таълим ва ижодий ёндашув асосида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасида ўз салоҳиятини узлуксиз равишда ошириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

### **3. 5230700 - Банк иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5230700 – Банк иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини** инobatга олган ҳолда ишлаб чиқиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малакавий амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид қатор масала ва муаммолар бўйича мустақил таълим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мос равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

#### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

##### **Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда таянч олий таълим муассаси томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки таркибига киритилган дастлабки еттита фанларнинг мазмуни умумий талаблар асосида белгиланади.

##### **Мазкур блокнинг бошқа фанлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар:**

- ахборот комплекслари, ахборот тизимлари, иқтисодиётда қўлланиладиган дастурий таъминотлар орқали соҳанинг самарадорлигини оширишни тизимли ўрганиш;

- математиканинг чизиқли алгебра, математик анализ, дифференциал ва интеграл ҳисоб ҳамда дифференциал ва чекли айирмали тенгламалар ёрдамида ижтимоий-иқтисодий соҳада қўлланилаётган моделларни тизимли ўрганиш;

- иқтисодий жараён ва ҳодисалар ҳақида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва баҳолашни билиши;

- иқтисодий объектлар ва жараёнларнинг миқдорий ўзаро боғлиқлигини математик ва статистик методлар ва моделлар ёрдамида ўрганиши лозим.

### **Умумкасбий фанлар блоки:**

- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий назарий-амалий билим ва кўникмаларни шакллантириши;

- иқтисодий қонунлар ва категориялар, иқтисодий жараён ва ҳодисалар моҳиятини тушуниш, иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида ислоҳ қилиш механизмларини билиши;

- корпоратив бошқарув тизимида қарорларни қабул қилиш ҳамда микроиқтисодиётнинг асосий категориялари, макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларни ҳисоблаш орқали пул-кредит, бюджет-солиқ ва ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш юзасидан кўникмаларини шакллантириши;

- менежмент ва маркетинг асосларини билиши, функция, усул ва тамойилларини чуқур ўрганиши, қарорларни қабул қилиш ва улар ижросининг назоратини олиб бориши;

- бухгалтерия ҳисоби усуллари юзасидан тасаввурга эга бўлиши, ҳисоб сиёсатини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш кўникмаларига эга бўлиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда молиявий кўрсаткичларини аниқлаши;

- аудиторлик текширувини ўтказиш усулларини билиши ҳамда аудиторлик ҳулосаси ва ҳисоботини тузиши;

- корпоратив молияни бошқариш механизминини билиши, молиявий таъминотни ва инвестиция фаолиятини ташкил этиши, молиявий рискларни бошқариши;

- суғуртанинг мазмун-моҳияти, шакллари, суғурта фаолияти классификатори ва суғуртанинг норматив асослари ҳамда суғурта бозори субъектлари фаолиятининг назарий ва амалий жиҳатларини билиши;

- бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, ҳисоб ҳужжатлари ва регистрлари ҳамда молиявий ҳисобот тузишни билиши лозим;

### **Ихтисослик фанлар блоки:**

- соҳа бўйича махсус билимларни, касбий фаолият кўникмалари ва малакаларини шакллантириши;

- банк ишининг назарий - амалий асосларини чуқур ўрганиши;

- банк фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш, ресурсларни жалб қилиш ва уларни жойлаштириш бўйича малакага эга бўлиши, кредитга лаёқатлилиқни таҳлил этиши ва уни баҳолаши, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари фойдасини тақсимлаш механизминини ўрганиши;

- банк назоратини амалга ошириш ҳамда таҳлил этиш усулларини, халқаро стандартлар, норматив талаблар ва кўрсаткичларни ҳисоблашни билиши;

- банк дастурий комплексларидан самарали фойдаланиши, ахборот хавфсизлигини таъминлаши ва банк хизматлари бозорида халқаро стандартлар асосида хизматлар кўрсатишни билиши;

- халқаро валюта муносабатлари, валюта операциялари, халқаро ҳисоб-китоб шакллари ва халқаро молия институтлари фаолиятининг асосий йўналишларини билиши;

- банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва ҳисоб-операцион ишларни юритишни, бош ва ёрдамчи китоблар, банк операцияларини ҳисобга олиш, бухгалтерия ҳисоботларни тузишни билиши;

- бухгалтерия ҳисобининг дастурий таъминотлари ва улар билан ишлаш, ҳисоботларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлиши;

- молиянинг мазмун-моҳияти, молиявий муносабатларни самарали ташкил этишнинг назарий-амалий жиҳатлари, молиявий назорат ва молиявий рискларни бошқариш усулларини билиши;

- инвестиция ва инновация жараёнларининг босқичлари, инвестиция муҳити ва инвестиция сиёсатининг хусусиятлари, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини баҳолаш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, инновация ва инновация фаолиятини бошқариш ҳамда лойиҳаларини молиялаштириш кўникмасига эга бўлиши;



- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

#### **Кўшимча фанлар блоки**

- таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- таълим сифатига кўйилаётган талаблар ва иқтисодий жараёнлар жадал ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

#### **Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. 5230700 – Банк иши бакалаврият таълим йўналиши малака амалиётларига кўйиладиган умумий талаблар**

5230700 – Банк иши бакалаврият таълим йўналишлари малакавий амалиёт қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- ўқув-танишув;
- ишлаб чиқариш;
- битирув олди.

**Ўқув-танишув амалиёти** – талабаларни таълим жараёнида олган назарий билимларини мустақамлаш ва бозор иқтисодиёти шароитига мослаштирилган ҳолда ривожлантириш, шу билан бир каторда банк амалиётида бўлаётган энг охириги ўзгаришларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, банк тизимига оид меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганган ҳолда Ўзбекистонда банк ишининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Бунда:

- банкнинг ташкилий тузилиши, бошқарув органлари, банк бўлимларининг асосий фаолиятлари билан танишиш;
- Ўзбекистон Республикаси банк қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда банк устави билан танишиш;
- банкнинг фронт-офис бўлими фаолияти билан танишиш;
- банкнинг бек-офис бўлими фаолияти билан танишиш;
- Ўзбекистон Республикаси банк тизимида фойдаланиладиган дастурлар билан танишиш;
- банкда ички дастурлар билан танишиш;
- амалиёт ўтиладиган банкда ишлатиладиган дастурий таъминотнинг ютуқ ва камчиликларини аниқлаш;
- “Банк-мижоз” дастури фаолияти билан танишиш;
- банк фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва ўрганиш;
- банкнинг чакана хизматларини ўрганиш;
- банкнинг инновацион хизматлари билан танишиш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

**Ишлаб чиқариш амалиёти** - мутахассислик фанларидан ўтказилиб, банкларда бухгалтерия ҳисоби фанидан таълим жараёнида олган назарий билимларини чуқурлаштиради ва мустақамлайди.

Ишлаб чиқариш амалиёти:

- банк бухгалтерия бўлимининг тузилиши ва фаолияти, бухгалтерия ходимларининг вазифалари, бош ва ёрдамчи китобларнинг юритилиши;
- банкларда мижозларга ҳисоб-китоб касса хизматининг кўрсатилиши ва унинг ҳисобга олиниши;
- кредит, лизинг ва факторинг операциялари ҳисоби;

- банкларнинг қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги операциялари ҳисоби;
- банкнинг ички операциялари ҳисоби;
- банкларнинг бухгалтерия ҳисоботлари ва уларни тузиш амалиёти кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

**Битирув олди амалиётида** талаба битирув малакавий иши мавзуси бўйича илмий-назарий ишланмаларни ўрганиш жараёнида орттирган тадқиқ манбаларини амалий, статистик маълумотлар билан асослаши, банк соҳасида мавжуд муаммоларни аниқлаши ҳамда уларнинг аниқ ечимини ишлаб чиқиш кўникмасини орттириши, битирув малакавий иши мавзусига доир маълумотлар, материаллар ва бошқа манбалар базасини шакллантириши назарда тутилган.

Бунда:

- битирувчини бевосита малака талабларига мувофиқ мустақил ишлашга тайёрлаш;
- ўзлаштирган назарий билимларини чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш;
- жамоада ташкилотчилик ва раҳбарлик тажрибасини орттириш;
- тижорат банклари ресурс базасининг шаклланиши ва банк фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, тижорат банклари активлари таркиби ва сифати, банклар томонидан хўжалик субъектларини кредитлаш, пул муомаласини ташкил этиш, валюта операциялари ҳамда банкнинг даромадлари, харажатлари ва фойдасига оид кўрсаткичлар динамикасини ўрганиш, таҳлил қилиш, илмий хулоса ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан зарур кўникмалар шакллантирилади.

Малакавий амалиётни ўташ муддатлари ўқув режаси графигида мувофиқлаштирилган. Унинг якунида талаба дастур доирасида бажарган ишлари бўйича ҳисобот тайёрлайди ҳамда кафедра таркибидан шакллантирилган комиссия олдида уни ҳимоя қилади.

Талабанинг илмий-тадқиқот иши унда касбий компетенцияни шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Битирувчи кафедранинг илмий фаолиятида фаол иштирок этиши, курс ишлари, малакавий амалиёт мақсадли бажарилиши ва узвий равишда битирув малакавий ишининг асосий манбаси бўлишини назарда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш юзасидан қуйидаги шарт-шароит таъминланиши керак:

- илмий ишларнинг мавзулари рўйхати билан талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- кадр тайёрловчи факультет(кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун талабаларни белгиланган меъёр даражасида таъминлаш;
- ОТМнинг ахборот ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур шарт-шароитни яратиш;
- талабалар илмий-амалий конференцияларини ташкил қилиш.

**Битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар:**

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иши мавзулари соҳанинг ривожланиш стратегияси, шунингдек, фан-технологиялар ва иқтисодиётдаги ўзгаришлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини инобатга олган ҳолда ОТМнинг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иш мавзулари илмий-назарий ёки назарий-амалий йўналишида бўлиши мумкин.

Битирув малакавий иш топшириғи учинчи курснинг иккинчи ярим йиллиги давомида талабалар эътиборига етказилади ҳамда мавзуларнинг танлови амалга оширилади. Битирув малакавий иши малака талабида белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида кафедра томонидан белгиланади.

### 3.3. 5230700 – Банк иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 61,8 %;
- аттестация - 8,8 %;
- таътил - 15,7 %;
- малака амалиёти - 10,8%;
- битирув малакавий иши - 2,9%.

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

- Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки - 26,90 %;
- Умумқасбий фанлар блоки - 36,13 %;
- Ихтисослик фанлар блоки - 31,86 %;
- Қўшимча фанлар 5,11 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6-12 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

банк, банк тизими, банк ресурслари, капитал, устав капитали, банк капитали, депозит сиёсати, нодепозит операциялар, банк пассивлари, банк активлари, диверсификация, кредит сиёсати, кредит портфели, кредит потенциали, кредит фоизи, кредит мониторинги, кредит баҳоси, микрокредит, микролизинг, кредит объекти, кредит субъекти, кредитга лаёқатлилилик, қисқа муддатли кредит, узок муддатли кредит, банклараро кредит, халқаро кредит, контокоррент, овердрафт, револьвер, кредит карточкаси, ликвидлилилик, тўловга лаёқатлилилик, инвестиция, қимматли қоғоз, лизинг, факторинг, репо, андеррайтинг, траст, гаров, фоиз, банк даромади, банк харажатлари, банк фойдаси, риск, валюта, валюта тизими, валюта механизми, валюта курси, спот, форвард, фьючерс, опцион, своп, валюта сиёсати, ревальвация, девальвация, валюта интервенцияси, банк ўтказмаси, инкассо, хужжатли аккредитив, чек, тўлов баланси, валюта инқирози, банк ҳисоби, банк баланси, ҳисобварақ, мажбурият, бэк-офис, фронт-офис, банк назорати, бош китоб, ёрдамчи китоб, валюта коди, назорат калити, уникал код, электрон тўлов тизими, ностро, востро, ягона вакиллик ҳисобварағи, касса, инициатор банк, бенифициар банк, ссуда ҳисобварағи, инкассация, инкассатор, асосий восита, номоддий актив, амортизация, инвентаризация, ҳисобот, банк аудити.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---



### Таянч сўзлар:



банк, банк тизими, банк ресурслари, капитал, устав капитали, банк капитали, депозит сиёсати, нодепозит операциялар, банк пассивлари, банк активлари, диверсификация, кредит сиёсати, кредит портфели, кредит потенциали, кредит фоизи, кредит мониторинги, кредит баҳоси, микрокредит, микролизинг, кредит объекти, кредит субъекти, кредитга лаёқатлилилик, қисқа муддатли кредит, узок муддатли кредит, банклараро кредит, халқаро кредит, контокоррент, овердрафт, револьвер, кредит карточкаси, ликвидлилилик, тўловга лаёқатлилилик, инвестиция, қимматли қоғоз, лизинг, факторинг, репо, андеррайтинг, траст, гаров, фоиз, банк даромади, банк харажатлари, банк фойдаси, риск, валюта, валюта тизими, валюта механизми, валюта курси, спот, форвард, фьючерс, опцион, своп, валюта сиёсати, ревальвация, девальвация, валюта интервенцияси, банк ўтказмаси, инкассо, хужжатли аккредитив, чек, тўлов баланси, валюта инқирози, банк ҳисоби, банк баланси, ҳисобварақ, мажбурият, бэк-офис, фронт-офис, банк назорати, бош китоб, ёрдамчи китоб, валюта коди, назорат калити, уникал код, электрон тўлов тизими, ностро, востро, ягона вакиллик ҳисобварағи, касса, инициатор банк, бенифициар банк, ссуда ҳисобварағи, инкассация, инкассатор, асосий восита, номоддий актив, амортизация, инвентаризация, ҳисобот, банк аудити.



**5230700 –Банк иши йўналиши бўйича таълим  
дастурининг тузилиши**

<b>Т/р</b>	<b>Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари</b>	<b>Умумий юкларнинг ҳажми, соатларда</b>
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва табиий-илмий фанлар</b>	<b>1830</b>
1.01	Фуқаролик жамияти	84
1.02	Фалсафа	112
1.03	Диншунослик	56
1.04	Ўзбек (рус) тили	140
1.05	Хорижий тил	336
1.06	Жисмоний маданият	112
1.07	Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	224
1.08	Иқтисодчилар учун математика	336
1.09	Статистика	224
1.10	Эконометрика	112
1.11	<i>Танлов фанлари</i>	<i>94</i>
<b>2.00</b>	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>2458</b>
2.01	Иқтисодиёт назарияси	342
2.02	Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	272
2.03	Менежмент. Маркетинг	204
2.04	Молиявий ва бошқарув ҳисоби	272
2.05	Молиявий таҳлил	244
2.06	Аудит	244
2.07	Молиявий менежмент	244
2.08	Суғурта назарияси ва амалиёти	244
2.09	Бюджет ҳисоби	138
2.10	<i>Танлов фанлари</i>	<i>254</i>
<b>3.00</b>	<b>Иқтисошлик фанлари</b>	<b>2168</b>
3.01	Банк иши	720
3.02	Банк назорати ва таҳлили	222
3.03	Банк дастурий комплекслари	96
3.04	Халқаро валюта-кредит муносабатлари	212
3.05	Банкларда бухгалтерия ҳисоби	268
3.06	Молия	268
3.07	Инвестиция ва инновациялар	176
3.08	<i>Танлов фанлари</i>	<i>206</i>
<b>4.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>348</b>
	<b>Жами</b>	<b>6804</b>
	Малака амалиёти	918
	Битирув малакавий иши	216
	Аттестациялар	918
	<b>Жами</b>	<b>2052</b>
	<b>ҲАММАСИ</b>	<b>8856</b>

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари  
ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

 Тошкент молия институти  
Ректор  **Н.Хайдаров**  
2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.



 Акциядорлик тижорат Халқ банки  
Бошқаруви  
раиси  **А.Абдуллаев**  
201\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

 Акциядорлик тижорат банк Микрокредитбанк  
Бошқаруви  
раиси  **О.Алмарданов**  
201\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази

 Директор  **проф. Б.Ҳ.Рахимов**  
2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

 Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Ректор  **Б.Ходиев**  
2018 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_  
М.Ў.

5230700 – Банк иши таълим йўналиши бўйича бакалаврият

давлат таълим стандартининг халқаро миқёсидаги

бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш

**БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ УМУМИЙ**

**КЎРСАТКИЧЛАРИ**

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	Бошланиши	3 йиллик касб-хунар коллежи ёки академик лицейдан сўнг	3 йиллик коллеж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг	3 йиллик коллеж ёки 2 йиллик махсус мактаблардан сўнг
2.	Давомийлиги	4 йил, ўқув режага мувофиқ.	3 йил, 6 семестр.	3 йил, 6 семестр.
3.	Таълим олувчилар сони	Талабга мувофиқ	233 та	216 та
4.	Ўтиш жойлари	Тошкент молия институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	University of Birmingham	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia
5.	Таълим берувчилар	Мос мутахассислик бўйича профессор-ўқитувчилар ва магистр даражасига эга бўлган мутахассислар (шунингдек, ишлаб чиқаришдан малакали мутахассислар ҳам таклиф этилиши мумкин)	University of Birmingham профессор-ўқитувчилари.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia профессор-ўқитувчилари.
6.	Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш	Тегишли факультет декани ва декан муовинлари, тегишли кафедра мудири.	Money, Banking and Finance BSc мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири.	BSc in Banking мутахассислиги бўйича масъул кафедра мудири.
7.	Диплом	Тошкент молия институти бакалавр дипломи.	University of Birmingham бакалавр дипломи.	Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia дипломлари.



## БАКАЛАВРИАТДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ ТАРКИБИ

№	Таълим жараёни	Ўзбекистон Республикаси	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)
1.	Назарий дарслар	Ўқув режада белгиланган соатлар ва намунавий ўқув дастуридаги мавзулар бўйича ўтказилади	Тегишли фан доирасида ўқитувчи томонидан мустақил ишлаб чиқилган мавзулар доирасида ўтилади ва талабада ўзи хоҳлаган профессор-ўқитувчиси дарсини тинглаш имкони мавжуд.	Таълим жараёнида мажбурий факат ислом банклари ва ислом молиялаш тизимини ўрганишга қаратилган, назарий дарслар эркин мулоқот ёки ихтиёрий маъқул келган услубларда ўтилади.
2.	Амалий дарслар	Ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар ва уларга ажратилган соатлар бўйича	Амалий дарслар олдиндан талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан келишилган мавзуларда кичик-кичик гуруҳларда талабалар ўзлари ёқтирган услубларда ўтилиши мумкин.	Амалий дарслар ислом молиялаш тизимига доир ихтиёрий мавзуларда талабаларнинг ўзлаштириш имкониятларини инobatга олган ҳолда турли кўринишларда ва табиатда ҳам ташкил этилиши мумкин.
3.	Амалиёт	3 босқичда танишув, ишлаб чиқариш ва битирув олди малакавий амалиёт тарзида талаба томонидан танланган тижорат банкларида ўталади.	2 босқичда умумий фаолиятни ўрганиш ва битирув олди малака иши бўйича махсус амалиёт.	2 босқичда қисқа муддатли иш ўрганувчи ва битирув олди мутахассислик амалиёти.
4.	Мустақил таълим	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.	Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа жойларда яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, амалий маълумотлар, кутубхона, интернет тармоғи) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин.
5.	Таълим жараёнида баҳолаш	Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар, фанларни ўзлаштириш бўйича билимларини баҳолаш бакалаврият рейтинг тизими асосида жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади.	Кредитларни топшириш асносида етарли баҳолар олиб борилади ва якунда компьютер ҳамда оғзаки равишда тест ёки саволларга жавоб берилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди.	Таълим жараёни бевосита оғзаки, ёзма ва компьютерда ўтказиладиган аралаш турдаги саволлар кўринишида олиб борилади. Назарий ва амалий машғулотлар ўтган ўқитувчилар якуний имтиҳон олишмайди.

## БАКАЛАВРИАТДА ЎҚИТИЛАДИГАН ФАНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Тошкент молия институтининг 5230700-Банк иши бакалавриат таълим йўналиши	Муддати (соатда)	Англия Money, Banking and Finance BSc дастури UNIVERSITY OF BIRMINGHAM	Муддати (credit – аудитория соатлари)	Малайзия Asia Pacific University of Technology & Innovation of Malaysia (MYS)	Муддати (ўқув йилида режага мувофик)
Гуманитар ва табиий- илмий фанлар	1830	Principles of Economics A	10 credits	Quantitative and Statistical Methods	1 ўқув йили давомида
Фуқаролик жамияти	84	Principles of Economics B	10 credits	Introduction to Management	1 ўқув йили давомида
Фалсафа	112	Applied Economics and IT Skills A	10 credits	Business and Communications Skills	1 ўқув йили давомида
Диншунослик	56	Applied Economics and IT Skills B	10 credits	Financial Accounting 1	1 ўқув йили давомида
Ўзбек (рус) тили	140	Financial and Business Systems	10 credits	Business Economics	1 ўқув йили давомида
Хорижий тил	336	Introduction to Finance	10 credits	Introduction to Banking & Finance	1 ўқув йили давомида
Жисмоний маданият	112	Management Accounting	10 credits	Financial Accounting 2	1 ўқув йили давомида
Иқтисодиётда ахборот комплекслари ва технологиялари	224	Principles of Financial Accounting	20 credits	Accounting for Bankers	1 ўқув йили давомида
Иқтисодчилар учун математика	336	Advanced Quantitative Economic Methods A	10 credits	Business Law	1 ўқув йили давомида
Статистика	224	Advanced Quantitative Economic Methods B	10 credits	Marketing	1 ўқув йили давомида
Эконометрика	112	European Economic Issues	10 credits	Financial Statement Analysis	2 ўқув йили давомида
Танлов фанлари	94	Introductory Econometrics A	10 credits	The Financial System	2 ўқув йили давомида
Умумқасбий фанлар	2458	Introductory Econometrics B	10 credits	Banking Instruments & Procedures	2 ўқув йили давомида
Иқтисодиёт назарияси	342	Macroeconomics A	10 credits	Time Series and Forecasting	2 ўқув йили давомида
Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	272	Macroeconomics B	10 credits	Management of Financial Services	2 ўқув йили давомида
Менежмент. Маркетинг	204	Microeconomics A	10 credits	Integrated Business processes with SAP ERP System	2 ўқув йили давомида
Молиявий ва бошқарув хисоби	272	The Economics of Corporate Finance	10 credits	Financial Econometrics	2 ўқув йили давомида
Молиявий таҳлил	244	Corporate Financial Management	10 credits	Business Research Methods	2 ўқув йили давомида

Аудит	244	Regulatory Framework of Banking	10 credits	Financial Management	2 ўқув йили давомида
Молиявий менежмент	244	Statistics for Economists	10 credits	Law of Banking & Finance	2 ўқув йили давомида
Сугурта назарияси ва амалиёти	244	Economics Extended Essay A	10 credits	Treasury Management	2 ўқув йили давомида
Бюджет ҳисоби	138	Economics Extended Essay B	10 credits	Credit Management	2 ўқув йили давомида
Танлов фанлари	254	Advanced Finance	20 credits	International Bank Officer	2 ўқув йили давомида
Ихтисослик фанлари	2168	Economics of Banking	10 credits	Risk Management in Banking	3 ўқув йили давомида
Банк иши	720	Monetary Policy	10 credits	Financial Derivatives	3 ўқув йили давомида
Банк назорати ва таҳлили	222	Applied Economics of the European Community A	10 credits	Corporate Finance	3 ўқув йили давомида
Банк дастурий комплекслари	96	Business Law A	10 credits	International Banking & Investment	3 ўқув йили давомида
Халқаро валюта-кредит муносабатлари	212	History of Economic Thought A	10 credits	Investigations in Banking & Finance	3 ўқув йили давомида
Банкларда бухгалтерия ҳисоби	268	Behavioural and Experimental Economics	10 credits	Building Customers Relationships	3 ўқув йили давомида
Молия	268	Economics of Financial Markets	10 credits	Portfolio Management	3 ўқув йили давомида
Инвестиция ва инновациялар	176	Advanced Management Accounting	10 credits	Banking and Finance Project	3 ўқув йили давомида
Танлов фанлари	206	Advanced Financial Accounting	10 credits	Control & Audit System	3 ўқув йили давомида
Қўшимча фанлар	348	<b>Жами:</b>	<b>340 credits</b>	Corporate Restructuring	3 ўқув йили давомида
<b>Жами</b>	<b>6804</b>			Global Finance	3 ўқув йили давомида
				<b>Жами:</b>	<b>34 та фан</b>

“Банк иши” кафедраси мудири



и.ф.д., проф.Омонов А.А.

**Тошкент молия институтининг 5230700–Банк иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаб ва ўқув режани ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент шаҳри

“25” 07 2018 й.

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқаруви раиси А.Абдуллаев, акциядорлик тижорат банк Микрокредитбанк Бошқаруви раиси О.Алмарданов ва Тошкент молия институтининг ўқув ишлари бўйича проректори И.Қўзиёв, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III- қисми, 2018 йил 4 июндаги “2018-2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3769-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли Қарорларида ҳамда Вазирликнинг 2017 йил 6 майдаги 294-сонли, 30 майдаги 356-сонли, 19 июндаги 407-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш мақсадида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази Тошкент молия институти, турдош олий таълим муассасалари ҳамда тегишли соҳа ва тармоқлар бўйича кадрлар истеъмолчилари билан биргаликда ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори”га мувофиқ таълим йўналиши бўйича малака талаб ва ўқув режа ишлаб чиқилди.

2. 5230700–Банк иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаб ва ўқув режани ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва Акциядорлик тижорат банк Микрокредитбанк мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. Юқорида кайд этилган малака талаб Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва Акциядорлик тижорат банк Микрокредитбанк мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадрлар истеъмолчи сифатида Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва Акциядорлик тижорат банк Микрокредитбанк мутахассисларининг

таклифлари 5230700–Банк иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича малака талаб ва ўқув режани мукамаллаштиришда инобатга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаб ва ўқув режани ўқув жараёнларига татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

**Акциядорлик тижорат Халқ банки  
Бошқаруви раиси**



**А.Абдуллаев**

**Акциядорлик тижорат банк  
Микрокредитбанк Бошқаруви  
раиси**



**О.Алмарданов**

**Тошкент молия институти  
ўқув ишлари бўйича проректори**



**И.Кўзиев**

**5230700– Банк иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талабларининг ишлаб чиқилишига тушунтириш хати**

